

Ўзбекистон Президенти Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари – ташқи ишлар вазирини қабул қилди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 июль куни Тошкентга амалий ташриф билан келган Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари – ташқи ишлар вазири Рашид Мередовни қабул қилди.


Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари дўст Туркменистон халқига ва Президент Гурбангули Бердимухамедовга ўзининг чуқур хурматини изҳор этди ва самимий саломини йўллади.

Сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро муносабатлар изчил ривожланиб, мустаҳкамланиб бораётгани мамнуният билан таъкидланди.

Ўзбекистон Президентининг Туркменистонга шу йилнинг март ойидаги илк давлат ташрифи, май ва июнь ойларида "Аваза" сайёҳлик зонаси ва Қозоғистон пойтахти Остонадаги амалий учрашувлар, шунингдек, икки давлат раҳбарларининг мунтазам мулоқотлари Ўзбекистон билан Туркменистон ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиққани ва Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома қоидаларини амалга оширишни таъминлаётгани қайд этилди.

Айни пайтда келишувларга мувофиқ Ўзбекистон ва Туркменистон компания ва корхоналари қиймати 200 миллион доллардан зиёд қўшма ташқи савдо шартнома ва битимларни амалга оширмоқда.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида тизимли ва узоқ муддатли ҳамкорлик йўлга қўйилди, Туркменистонга навбатдаги пахта териш машиналари, культиватор ва бошқа замонавий техникалар етказиб берилди. Шу ойда Ашхободда Савдо-сервис маркази ўз фаолиятини бошлайди.



"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти корхоналари базасида Туркменистон темир йўллари ҳаракатланувчи таркибини таъмирлаш ва модернизация қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Туркманобод – Фароб автомобиль ва темир йўл кўприклари очилгач, мамлакатларимиз ўртасида транзит ташишлар ҳажми сезиларли даражада кўпайди. Ўзбекистоннинг фақат темир йўл орқали Туркменистон ҳудудидан ўтган экспорт юклари ҳажми 25 фоиз ошди.

Маданий-гуманитар соҳада ҳам ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Тошкентда Ашхобод боғини ташкил қилиш ишлари бошланди. Сентябрь ойида спортчиларимиз Туркменистон пойтахтида ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича бўлиб ўтадиган навбатдаги Осиё ўйинларида иштирок этади.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасида амалий ҳамкорликни кенгайтириш, стратегик шерикликни мустаҳкамлашга қаратилган янги йўналишларни белгилаш ва истиқболли лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш масалалари муҳокама этилди.

Томонлар минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари – ташқи ишлар вазири Рашид

Мередов Президент Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистон халқи ва унинг раҳбари Президент Шавкат Мирзиёевга чуқур ҳурмати ва эзгу тилаklarини етказди. Р.Мередов Туркменистон икки давлат ўртасидаги кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

[ЎЗА](#)